

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**«Сув хўжалигини бошқариш ва
унинг иқтисодиёти» факультети**

**«Сув хўжалиги иқтисоди»
кафедраси**

Ҳимояга рухсат этилсин

Кафедра мудири

_____ 3.Худойберганов

«_____» _____ 2012йил

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш
самарадорлиги (Самарқанд вилояти Ҳайдар номли деҳқон
хўжалиги материаллари мисолида)**

Бажарувчи:

Ё.Умаров

Рахбар

У.Хошимов

ТОШКЕНТ – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Самарканд вилоятининг табиий-иқлим ва ташкилий шарт-шароитлари	7
Асосий қисм	
1. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ернинг моҳияти ва унинг хусусиятлари	11
2. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уни оширишнинг зарурати	18
3. Самарканд вилояти Ургут тумани Хайдар фермер хўжалигида ердан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва уни тахлили	29
4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар	40
5. Самарқанд вилояти фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари	46
Ҳуқуқий қисм	50
Хаёт фаолияти хавфсизлиги	64
Хулоса ва таклифлар	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75
Интернет материаллари	

КИРИШ

Республикада иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалик соҳасини модернизация қилиш ва ислоҳотларни амалга ошириш жараёни қишлоқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги билан узвий боғлиқдир. Аграр соҳанинг кўпгина омилларга боғлиқ эканлиги, яъни ерларнинг чекланганлиги ва ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, балки мамлакатимиз келажагини белгилаб берувчи омил эканлиги, бу борада ерларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш (қайта тиклаш) ва ошириш, аграр муносабатларни замон талаблари асосида шакллантириш вазифалари, ҳозирги кунда замонамизнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилларнинг ягона мақсад – юрт тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида жамиятимизнинг

доимо ҳамжихат бўлиб келаётгани ўта мураккаб мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтишда нақадар оғир синовлардан муваффақиятли ўтишга имкон яратди. Биргина мисол, 2008 йилда бошланган, бугунги кунга қадар салбий таъсир ва оқибатлари сақланиб қолаётган, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда ўзининг янги “хуружи”ни намоён этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат айрим мамлакатлар, балки дунёнинг деярли барча қитъаларида иқтисодий сиёсатнинг заиф жиҳатларини, айниқса, банк-молия тизимининг “мўрт” бўғинларини ошкор этиб қўйди. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти, бизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделимиз яна бир бор ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтиб, ўзини тўла оқлагани ҳар қандай эътироф ва эътиборга муносибдир.

Ўтган 2011 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Маълумки, юртимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябр ойида мамлакатимизга келган миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётгани қайд этилди, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилди¹.

¹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 5-бет.

Бугунги кунда, аграр соҳани ислоҳ қилиш ва иқтисодий эркинлаштириш, янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, истиқболли дастурларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш, амалдаги ерга оид қонунчилик ҳужжатларига биноан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириб бориш, бу борада замон талабларига мос келадиган замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, қишлоқни ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил этиш иқтисодийнинг асосий омили ва манбааларидан биридир. Қишлоқ аҳолиси учун зарур шароитлар яратиш, турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда амалий ифодасини топтиришга эришиш зарур. Республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ислоҳ қилиш, ривожлантириш, ер ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, иқтисодийнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш учун ер ажратиш ва ундан фойдаланиш, давлат мулкчилигини жамоа мулкчилигига айлантириш, хўжалик юритишнинг шакллари ривожлантириш, деҳқон(фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона, асраб-авайлаб, самарали фойдаланишни таъминловчи, ерга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартиблаштирувчи, ер қонунчилигини замон талаблари даражасида йўлга

кўювчи, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида ўта муҳим норматив ҳужжатлар бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот”ни тайёрлашда Қўмита томонидан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган йиллик ер ҳисоботлари жамланиб, қўмита таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ер тузиш, ер кадастри бўйича бажарган ишлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилди. “Миллий ҳисобот” ер фондининг ҳолатини кузатиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш (тиклаш) ва ошириш, миқдор ва сифат даражаси бўйича тоифаларнинг тақсимланиши ва ўзгаришларини аниқлаш, ер ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланиш, уни унумдорлигини ошириш ва илмий асосланган алмашлаб, навбатлаб экишни жорий этиш, ерларни муҳофаза қилиш, иқтисодий ҳамда сиёсий-ижтимоий устувор йўналишларни ривожлантиришга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси нормалари асосида ер қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш, ерга оид мунозарали ҳолатларнинг ечимини топиш, амалий тажриба асосида ер муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан 2012 йил учун белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда оиланинг ўрни ва таъсирини ошириш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш орқали халқ фаровонлигини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди².

² Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 31-бет.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙИЙ-ИҚЛИМ ВА ТАШКИЛИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.

Самарқанд вилояти мамлакатимиз марказий ҳудудларида жойлашган бўлиб, табиий шароити мўтадил иқлим, ёғингарчилик меёрий ҳолатда ҳамда тупоқ унумдорлиги қадимдан дехқончилик қилишга мослашгандир.

Рельефи—текислик бўлиб, шимоли-шарқдан жанубий-ғарбга пасайиб боради. Ерлари қора ва соз тупроқли. Иқлими- мўтадил, энг юқори ҳарорат +41 +45 С°, энг паст ҳарорат –19 –21 С°.

Пойариқ тумани эса вилоятнинг шимолий-ғарбий минтақасида жойлашган бўлиб, ҳудудда сув ресурслари тامينланиш даражаси нормал ҳолатда, иссиқлик ва намлик дехқончилик қилиш учун қулай ва ёғингарчилик ҳам меёрий кўрсаткичлардалиги билан ажралиб туради.

Самарқанд — аҳолисининг сони ва саноатининг кўлами -бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринлардан бирида. 1930-йилларда пиллакашлик ва шойи тўқиш, мева консерва, чой қадоклаш кенг ривожланди. Мустақиллик йилларида Самарқандда саноат корхоналари қайта жиҳозланди. Уларда бозор талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш амалга оширилди. Саноатнинг асосий қисми хусусийлаштирилди. Аксарият йирик, ўрта корхоналар негизида аксиядорлик жамиятлари тузилди. Кўплаб қўшма корхоналар ташкил қилинди. Самарқанд вилоятидаги мулкчиликнинг барча турига оид 135 йирик саноат корхоналарининг асосий қисми Самарқандда жойлашган. Булар: Ўзбекистон—Туркия «Сам-КочАвто», Ўзбекистон—Америка—Англия «УзВАТ», Ўзбекистон—Чехия «Прага» (минерал сув қадоклаш), Ўзбекистон— Латвия «Бравосут» қўшма корхоналари ва бошқалар. Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксари қисми чет элларга экспорт қилинмоқда. Шаҳарда минглаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар бор. С.нинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 й.да ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. С.да 73 та йирик тарихий меъморий ёдгорлик: *Регистон ансамбли, Шоҳи*

Зинда ансамбли, Амир Темура мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жоме масжиди, Руҳобод мақбараси, Аб-дидаун мажмуаси, Хожа Ахрор масжиди, Ҳазрати Хизр масжиди ва б. сақланган. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов ташаббуси б-н Сда Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий дафн етилган Чокардиза қабристони ҳудудида Мотуридий ёдгорлик мажмуи мазорига мақбара қурилди, қабристон обод етилди, Бурҳониддин Марғиноний вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди (Самарқанд ш.даги Чокардиза қабристонида дафн етилган). С.нинг марказий майдонида Амир Темура ҳайкали ўрнатилди. Шаҳардаги тарихий обидалар Хитой. Ҳиндистон, Юнонистон (Афина), Италия (Рим) ёдгорликлари каби ўзининг гўзаллиги б-н ётиборни ўзига тортади. С.га ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келиб кетадилар. Меҳмон ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи: «Афросиёб», «Самарқанд», «Зарафшон», «Боғишамол», «Марказий», «Президент отел» каби меҳмонхоналар қурилган. Сайёҳларга «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд бўлими ходимлари хизмат кўрсатадилар. С.даги олий ўқув юртлари (ун-т, тиб-биёт, қ.х., иқтисодиёт ва сервис, меҳморлик-қурилиш ва чет тиллар ин-тлари)да 19,1 минг талаба ўқийди. 2002 -2003 ўқув йилида шаҳардаги 36 та ўрта махсус билим юрти, коллеж, академик лисей ва интернат мактабларида 25,7 минг, 67 умумий таълим мактабида 76,7 мингга яқин ўқувчи таълим олди. Шаҳар республиканинг йирик фан марказларидан бири. С.да педагогика академияси асосида ташкил топган СамДУ катта мавқега эга. Қорақўлчилик, Исайев номидаги паразитология ва гельминтология (1925), Шредер номидаги боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик, археология илмий тадқиқот ин-тлари, Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд бўлими турли йўналишдаги и.т. ишларини олиб бормоқдалар. С.да 4 оммавий кутубхона, Самарқанд бадиий музей-қўриқхонаси, 3 театр (Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти ўзбек давлат мусикали драма театри, А.П.Чехов номидаги рус драма театри, қўғирчоқ театри), шаҳар телестудияси фаолият кўрсатади. «Самарқанд» газ.

чиқади. Шаҳарда 1566 ўринли 11 касалхона, 348 стационарда 1561 малакали врачлар хизмат кўрсатадилар. Чўпонота тепалиги ёнида дам олиш уйи, Марказий, Сўғдиёна маданият ва истироҳат боғлари, болалар «Афсона» аквапарки, кўплаб стадион. теннис кортлари, «Делфин» сузиш мажмуи бор. С. заминида машҳур донишмандлар, алломалар вояга йетган, жумладан, Улуғбек С.да мунажжимлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхоналар курди. Унинг атрофида бутун бир илмий маскан — Улуғбек академияси таркиб топди. Бу академияда Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби машҳур олимлар йетишиб чикди. Улуғбек академиясида амалга оширилган ишлар жаҳон фан оламида тан олинди. 16—17-а.ларда С.да Мирам Чалабий, Мулло Абдулали Назмуддин ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биричандий. Амир Акбар Самарқандий, Дўстий Самарқандий, Кошифий Самарқандий, Мир Жалолиддин Хоразмий. Мавлоно Абдулхайр Самарқандий ва шу каби кўплаб фан ва маданиятнинг машҳур намояндалари ижод этганлар. Самарқанд шаҳрида ҳозирги кунда халқаро миқёсдаги турли анжуманлар ўтказилмоқда. Айниқса, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг Самарқандда ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ватанимиз тарихида тутган бекиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи сифатида Самарқанд «Амир Темур» ордени билан мукофотланди (1996 й. 28 авг.). Ордени 1996 й. 18 окт.да ЎЗР Президенти И.А. Каримов топширди.

“**Xaydar**” фермер хўжалиги худуди сув ресурслари билан таминланиш, харорат, намлик даражалари яхши ҳолатда ҳамда қулай дехқончилик имкониятига эга.

Аммо ер майдонидан илгари нотўғри фойдаланиш, илмий меёрларга эътиборсизлик натижасида худуднинг бир қисми турли даражада шўрланган бўлиб, ғалла етиштиришда ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан хўжаликда ғалланинг ўртача ҳосилорлиги 56 ц/га бўлган бир ҳолатда хўжаликда 36,5 ц/га ни ташкил этмоқда.

Бу эса провардида даромад, фойдани камайтириб молиявий барқарорлигига салбий тасир кўрсатмоқда. Яъни 2011 йил якунларига кўра хўжалик 103 гектар майдонда дехқончилик қилишига қарамасдан 1,8 млн.сўм фойда билан якунлаган.

“**Xaydar**” фермер хўжалигида умумий холда 15 нафар доимий ишчи бўлиб уларнинг даромад манбаи бўлиб хўжалик томонидан бериладиган ойлик маошдан ташқари ер майдонида дехқончилик қилиш имконияти яратилган аммо хўжаликнинг бундай кам фойда кўриши ишчиларига ҳам ўз вақтида маош билан таминлашига тўсик бўлмоқда.

1. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ЕРНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва хўжалик юритишнинг бозор механизмаларини жорий этиш ер муносабатларини ҳам изчил қамраб олмоқда. Ер ресурслари эса барча моддий ва номоддий активлар йиғиндисининг муҳим унсурига айланиб бормоқда. Ушбу муносабатларнинг ривожланишида ерга бўлган талаб, унинг фойда келтириши, ер ресурсларидан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш имкониятининг чекланганлиги таъсири остида шаклланадиган ер ресурсларини бошқариш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий жараёнлар мустақил тарзда кечмайди, улар йўналтирилади, тартибга солинади ва бошқарилади. Ўз моҳиятига кўра бошқарув *«инсоннинг объектларга ва жараёнларга ҳамда уларда иштирок этувчи инсонларга онгли таъсири. У иқтисодий фаолиятни муайян тарзда йўналтириши ва исталган натижаларга эришиши мақсадида амалга оширилади»*³. Бошқарув - *«жамиятнинг муайян сифат хусусиятини тартибга келтириши, сақлаб қолиши, такомиллаштириши ва ривожлантириши учун унга мақсадли таъсир кўрсатиши»*⁴. Бошқарув жамиятнинг тизимли табиати, меҳнатнинг ижтимоий хусусияти, инсонларнинг ҳаёт фаолиятида, моддий ва маънавий фаолият маҳсулотлари билан алмашиш жараёнида мулоқот қилиш зарурати билан шартланган. Инсоннинг табиий ва сунъий табиат объектларига, бошқа инсонларга ҳар қандай таъсирини бошқарув деб ҳисоблаш лозим. Бунда бошқарув фақат ишлаб чиқариш ва иқтисодий жараёнлар мураккаблашиб, уларга жалб этилган иштирокчиларнинг катта қисмини қамраб олган ҳолларда ўрин тутаети. Бошқарувда ҳамма вақт икки томон иштирок этади –

³ С.Н.Усманов, М.М. Мирсаатов, Ю.Т. Додобаев «Основы рыночной экономики», Фан, 1997г., стр. 254.

⁴ Философский словарь», Изд. Полит. литературы, М., 1986г., стр. 496

бошқарилувчи ва бошқарувчи. Бошқарилувчи деб бошқарув объектларига, бошқарувчи деб эса бошқарув субъектларига айтилади.

Ер ресурсларини бошқариш, уни амалга ошириш ёндашувлари ва усуллари ўрганиш, бунинг учун зарур ахборот ҳажмини аниқлаш учун, биринчи навбатда, бошқарув объекти сифатида ер ресурсларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш лозим.

Ер ресурслари бошқа барча ресурслар ичида алоҳида ўрин тутати. Ер инсон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит, у яшайдиган жой, қишлоқ ва ўрмон хўжалигини, саноат ва транспортни жойлаштириш ва ривожлантириш, шунингдек маданият соҳасидаги фаолият, дам олиш, сайёҳлик ва ҳоказолар учун ҳудудий макон ҳисобланади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этади.

Ер ишлаб чиқариш воситаси ҳамда ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий объектларни жойлаштириш учун ҳудудий макон сифатида чекланган ресурс ҳисобланади. Шунинг учун ер бўйича таклиф амалда доимий (ўзгармас) катталиқ бўлади. Бу ер бўйича таклифни унга бўлган талабга нисбатан эгилувчан бўлмаслигини шарт қилиб қўяди. Шу билан бирга аҳоли сонининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё ишлаб чиқариш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларни ривожлантириш учун зарур бўлган ерларга нисбатан талабнинг ўсишига олиб келади.⁵ Иқтисодиётнинг турли секторларида ва инсон фаолиятида мақсадли фойдаланилишидан келиб чиқиб, ер саккизта асосий тоифа бўйича таснифланади (1.1-расм). Ерларнинг қуйида ажратилган тоифалари уларнинг фойда келтириши, уларга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу ресурснинг чекланганлигига барҳам бериш йўллари билан тавсифланади.⁶ Бироқ барча ҳолатларда ер ресурсларини бошқариш инсон ҳаёти ва фаолиятининг зарур белгиси сифатида иштирок этиб, унинг мавжуд бўлиши, пировардида, ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

⁵ Б.Ю.Ходиев, З.С.Абдуллаев. Оценка стоимости земельных ресурсов, "Т., IQTISOD-MOLIVA", 2010, стр.5-7.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат ер кадастри қўмитасининг Ер ресурслари бўйича миллий ҳисоботлари.



1-Чизма. Ерларни тоифалар бўйича таснифлаш

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар нафақат қишлоқ хўжалиги мавжуд бўлишининг моддий шарти сифатида, балки асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, ушбу ишлаб чиқариш воситаси ҳам меҳнат предмети, ҳам меҳнат воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга ер ишлаб чиқариш қуроли сифатида фақат ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнининг ўзи шаклланган маълум босқичида иштирок этади.

Ернинг ўзи меҳнат воситаси ҳисобланади. Лекин унинг деҳқончиликда меҳнат воситаси сифатида фаолият кўрсатиши, ўз навбатида, бир қатор бошқа меҳнат воситаларини ва ишчи кучининг нисбатан юқори даражада ривожланишини назарда тутади. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ва, биринчи галда, меҳнат қуролларининг таъсири остида ишлаб чиқаришнинг табиий қуроли сифатида ер хусусиятларини яхшилаш, инсон меҳнатининг маҳсули сифатида яратилган бошқа ишлаб чиқариш қуроллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ушбу хусусиятларни яхшилаш жараёни кечади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида ер, захира сақловчи ашё сифатида, ишлаб чиқариш фаолияти орқали эгалик қилиш лозим бўлган истеъмол қийматини

ўзида мужассам этади⁷. Бундан келиб чиқадики, ернинг табиий хусусиятларидан оқилона фойдаланиш ва уларни яхшилаш бир ер майдонининг ўзидан чекланмаган миқдорда маҳсулот олиш имкониятини таъминлайди. Ер вақтининг барбод этувчи таъсирига бўйсунмайдиган бирдан-бир абадий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, вақт ҳеч нарсани аямайди ва барча ишлаб чиқариш воситаларининг ҳолатини ёмонлаштиради, фақат ер бундан мустасно. Боз устига, агар ер билан тўғри муомала қилинса, у доимий равишда яхшиланиб боради. Ернинг ишлаб чиқариш хусусиятлари яхшиланишига жамият ривожини ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиғи экинларига ишлов бериш усулларини такомиллаштириш, тўпланган амалий тажрибадан фойдаланиш натижасида эришилади. Ердан суғорма деҳқончиликда энг унумли фойдаланилади. Суғориш натижасида ернинг шу вақтгача фойдаланилмаган хусусиятлари фаолроқ ишлай бошлайди. Бу билан суғориш меҳнат ва сармоя сарфлашининг қандайдир бошқа турларига қараганда ернинг ишлаб чиқариш қобилиятини кўпроқ оширади. Суғориш чоғида ишлаб чиқариш воситасига айланиб улгурган ер участкасига янги капитал қўйилмаларни киритиб, инсонлар ерни кўпайтиришади⁸.

Қишлоқ хўжалиғи ривожланишининг анча юқори даражаси ҳисобланган суғорма деҳқончилик қатор хусусиятларга эга. Шулардан энг асосийси ер, суғориш суви ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқариши жараёнидаги ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигидан иборат. Шунинг учун фақат асосий ишлаб чиқариш воситалари – ер ва суғориш сувининг оптимал нисбати таъминланган тақдирда суғориладиган деҳқончиликни илмий асосланган тарзда ташкил этиш мумкин. Ушбу ишлаб чиқариш воситалардан самарали фойдаланиш суғориладиган ерлар қийматининг ўсишини назарда тутаяди. Суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш фойдаланиладиган ерларни мелиоратив

⁷ Б.Ю.Ходиев, З.С.Абдуллаев, Б.Б. Беркинов, А.Н.Кравченко. Методы оценки стоимости земельных ресурсов. Т., «IQTISOD-MOLIVA», 2010, стр. 7,8.

⁸ Ўша ерда, 7-бет.

яхшилаш, илмий асосланган алмашлаб экишни ўзлаштириш, илғор агротехникани жорий этиш, ўғитларнинг асосланган тизimini қўллаш, зараркўнандалар, касалликлар ва бегона ўтлар билан курашиш воситаларидан кенг фойдаланиш, сувдан фойдаланишни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги юқори ҳосилли навларини жорий этиш, ялпи механизациялаш тизимига ўтиш, иктисодий ва бошқа тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобидан таъминланади.

Ишлаб чиқаришнинг интенсификация шароитида илмий техникавий ютуқларни қўллаш асосида ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун муҳит яратилади. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни ошириш қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил қилишни мукамаллаштиришнинг муҳим асоси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги интенсификацияси жараёнида ерлардан самарали фойдаланишни нисбий ўрганишда деҳқончилик ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштиришда ҳудудий жойлаштиришнинг асослаш йўллари ҳисобланади. Бундай таҳлил қуйидаги саволларга жавоб бериш учун зарур ҳисобланади: қандай табиий шароитда у ёки бу деҳқончилик ёки чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг ҳудудий концентрацияси энг самарали ҳисобланади, қачон мамлакат учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини энг кам халқ хўжалиги харажатларини сарфлаб ер ресурсларидан рационал фойдаланган ҳолда олиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ери ниҳоятда серхосил қулай иқлим шароитига мос, деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги республикада қишлоқ хўжалигини қудратли ресурс базасини ривожлантиришга шароит яратганлигидан далолат беради. Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 447,9 млн га шундан 27,9 млн га қишлоқ хўжалик ерларидир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишда бўлган ернинг 4474 минг га (15,9%) хайдаладиган ерлар. Республикамизнинг ер фонди фойдаланиш бўйича хилма-хил. Мамлакат ер майдонининг 5-6 млн. гектари деҳқончиликда фойдаланилади. Улар

суғориладиган ва лалми ерлардир. Қолган ҳудудлар асосан яйлов ва қисман тоғ ўрмонларидан иборат.

Лалмикор ерлар майдони 767 минг га дан зиёд. Лалмикор ерларнинг нисбатан катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах вилоятларида жойлашган.

Чўл яйловлари Ўзбекистонда энг катта майдони 22,8 млн. гани ташкил этади. Шундан 10 млн га сур кунғир тупроқли, қарийиб 13 млн. га қумли ерлар ва қумли тупроқлар. Қолган қисми ўтлоқи-тақир, тақир тупроқлар ва тақир ҳамда шўрхоқлардан иборат. Чўл яйлов жойлардаги суғоришга яроқли ялпи майдон қарийиб 12 млн. гектар.

Мамлакат ер фондларининг энг қимматли қисми - суғориладиган ерлардир. Суғориладиган ерлар 4,2 млн. гадан иборат, шундан, 6 млн га чўл зонасида қолган қисми сувли минтақада. Суғориладиган ерлар Фарғона вилояти Зарафшон водийси, Амударёнинг қуйи оқимларида катта майдони эгаллайди. Жами суғориладиган майдоннинг қарийиб 3 млн. га экинзор. Ҳар бир гектар суғориладиган ер, ундан тўғри фойдаланиб борилганда, бериладиган маҳсулот жиҳатидан 6-7 гектар лалми шудгорга, 50 гектар баланд тоғ яйловларга ва 100 гектар чўл яйловларга тенг. Шу муносабат билан, суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги айланишидан чиқариб қолишга йўл қўймаслик ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди турли табиий хусусиятлари мавжудлиги билан характерланади. Бу эса ўз навбатида ундан фойдаланишнинг самарадолигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда ушбу ҳолатларни ҳисобга олиш заруриятларини туғдиради ва у ердан фойдаланишни олиб бориш тизими илмий асосланган шаклда ўз аксини топади. У агроиқлимий, биолигик, техник, ташкилий иқтисодий ва ижтимоий омиллар мажмуасининг табиий шароитга ўзаро боғлиқлигига асосланади.

Дехқончиликнинг тизими ердан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга, унинг маҳсулдорлиги доимий равишда ўсишига йўналтирилган бўлиб, у ўз ичига қуйидаги асосий элементларни олади: тупроқ эрозияси

билан курашиш ва уларга рационал ишлов бериш тадбирлари; машина билан таъминлаш ва ўғитлаш тизими; тупроқни охаклаш, суғориш ва сувини кочириш; уруғчилик; асосий яйлов ва пичанзорларни культивация қилиш; ёввойи ўтлар, зараркунандалар ва ўсимлик касалликлари билан курашиш; ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар.

Республикада деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш учун ер ресурслари ажратиш Ўзбекистон республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативи ерлари шу хўжаликнинг аъзорларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман ҳокими қарори билан берилади. Бунда қўйидаги тамойилларга амал қилиш кўзда тутилиши лозим: хўжаликнинг ер, сув, меҳнат ва моддий ресурсларидан тўғри фойдаланишни таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш; ер, сув, атмосфера ва бошқа табиий ресурсларни эрозия, чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш йўли билан ифлосланишлардан муҳофаза қилиш; ерни беришда меҳнат истеъмоли баланси, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор конъюктураси ҳамда ердан фойдаланишда агроэкологик шартлардан келиб чиқиб, хўжалик ишлаб чиқариши ихтисослашувига таркибий муносабатларнинг мослиги; сувдан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш учун ташкилий шароитларни яратиш; хўжаликнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитлари, ердан фойдаланишнинг экологик хусусиятларини ҳисобга олиш; ернинг агроэкологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ер участкасини ажратиш ва ер солиғи (ижара тўловлари)ни белгилаш; ернинг бир бутунлигини, бир жинслилигини, экологик мувозанат ва хавфсизлиги ҳамда участканинг битта суғориш шаҳобчасидан фойдаланишини таъминлаш; мавжуд суғориладиган ерларни сақлаш, уларнинг кичик участкаларга бўлинишига йўл қўймаслик, чунки у ҳолда қишлоқ хўжалиги техникасини қўллаш ва суғориш ишларини бажаришда ноқулайликлар туғилади.

2. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИ ОШИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Эхтиёжлар чексизлиги ва ресурслар чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш қишлоқ хўжалигининг асосий вазифасидир.

Етиштирилган маҳсулотни ресурслар ва харажатлар билан солиштириш ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самардорлиги категориясини ифодалайди. Миқдор жихатдан иқтисодий самарадорлик турлича ифодаланиши мумкин. Айрим ҳолларда у ресурслар ва харажатлар ўзгармаган ҳолда маҳсулот ҳажми ўсиши билан, бошқа ҳолларда бир хил миқдордаги маҳсулот етиштириш учун кетадиган харажатлар миқдорини камайиши, ёки бўлмаса ҳам харажатларнинг камайиши ва маҳсулот миқдорининг ўсиши билан ифодаланади. Ердан фойдаланишнинг якунловчи натурал кўрсаткичларидан бири экинлар ҳосилдорлигидир. Маҳсулдорлик кўрсаткичини ҳисобга олиш қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ернинг ҳолати ва маҳсулдорлиги динамикаси ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний маълумотни шакллантириш;
- бу ерларда хўжалик фаолиятининг салбий натижаларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарорлигини таъминлаш резервларини аниқлаш;
- давлат ер кадастрини маълумот билан таъминлаш.

Бу кўрсаткичларни ҳисобини юритишни яхшилаш лозим, уларни ер участкаси паспортига киритиш, доимий равишда ернинг маҳсулдорлик сифатларини аниқлаш лозим. Ва кўрсаткичларнинг ижобий ёки салбийлигига қараб - ер эгасини, ердан фойдаланувчини ва ижарачини иқтисодий рағбатлантириш ёки жарима солиш лозим. Фақат ер билан ишлаш тизимининг таркиб топувчи элементларинининг илмий-асосланган ҳисоби тупроқ маҳсулдорлигининг ўсишини, барча қишлоқ хўжалиги экинларининг

ҳосилдорлигини ошишини ва ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаши мумкин. Бундан эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлиги тупроқнинг ўз табиий хусусиятларидан боғлиқ бўлибгина қолмай, у хўжаликда қандай фойдаланилаётганлигига ҳам боғлиқ. Буларга асосланган ҳолда ернинг табиий ва сунъий(иқтисодий) маҳсулдорлиги фарқланади. Табиий маҳсулдорлик тупроқнинг узок муддатли шаклланиши жараёнида табиатга инсоннинг ҳеч қандай таъсири бўлмаган ҳолда юзага келади. Сунъий маҳсулдорлик эса, аксинча, меҳнат билан яратилади ва унга боғлиқ равишда мавжуд бўлади. У инсон хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб, шунинг учун ҳам иқтисодий маҳсулдорлик деб аталади.

Қишлоқ хўжалигига қўлланадиган ишлаб чиқариш самарадорлиги жамиятга керакли маҳсулотнинг ҳар бир гектаридан, ҳар бир бош қорамолдан энг кам меҳнат ва моддий ресурслар сарфлаган ҳолда кўп миқдорда олиниши тушунилади. Аниқроҳи, минимум қилинган харажатдан максимум маҳсулот олишдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бутун хўжалик учун ҳам, ҳар бир корхона учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бу кўпгина омиллар билан тасдиқланган: биринчидан, чекланган ресурслар шароитида маҳсулот етиштириш ҳажмининг ошиши аҳолини истеъмол молларига бўлган эҳтёжини тўлароқ қондиришга олиб келади; иккинчидан, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланганда ишлаб чиқариш харажатлари камаяди, бу эса маҳсулотнинг баҳо даражасига таъсир қилади; учинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш корхона даромади ошишини таъминлайди, бу эса меҳнат жамоасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун кўпроқ маблағ ажратиш имконини беради. Бозор муносабатлари тизимида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш корхона нормал фаолияти кўрсатишининг ягона йўлидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп режали характерга эга, у кўпгина мақсадлар, уларга мос ҳолда хусусиятлари ва даражасини характерловчи бир неча гуруҳ кўрсаткичларига эгадир.

Шудай қилиб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагиларга кўра бўлинади: ишлаб чиқариш босқичларига кўра - технологик, иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик; ишлаб чиқариш даражасига кўра - халқ хўжалиги, тармоқ (қишлоқ хўжалиги), корхона ва бирлашмалар, ички хўжалик бўлимлари, алоҳида тадбирлар (интенсификация, мутахассислиги, агросаноат интеграцияси, кооперацияси ва б.)га кўра.

Ишлаб чиқаришнинг технологик самарадорлиги ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди. У ни ҳисоблаш учун ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари, маҳсулотнинг 100 га қишлоқ хўжалиги ерларига, ўртача йиллик ишчилар сонига, ишлаб чиқариш фондининг минг сўмига нисбатан етиштирилиши кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик қишлоқ хўжалиги, АСМ ёки корхона фаолиятининг самарадорлигини тўлалигича ифодалайди. Бу турдаги самарадорликлар ўзаро боғлиқдир. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг технологик самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг моддий-техник базасига боғлиқ, у ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги билан аниқланади. Ижтимоий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги натижасидир.

Ишлаб чиқаришнинг халқ хўжалиги самарадорлиги жамият томонидан якуний натижани моддий неъмат ва хизматлар билан таъминланиши билан ифодаланади. У миллий даромадни ўзини ва аҳоли жон бошига ҳисоблангани билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалиги самарадорлиги аҳолини истеъмол моллари билан таъминланганлиги, маҳсулот экспорти ва импорти даражаси билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро самарадорлиги умумий ҳамда хусусий кўрсаткичлар билан характерланади. Умумий кўрсаткичларга аҳолини истеъмол моллари билан таъминланганлиги даражаси, ишлаб чиқариш даражаси ва алоҳида маҳсулот тури бўйича истеъмол даражаси,

ялпи маҳсулот ҳажми, ялпи ва соф даромад (ишлаб чиқариш ресурслари бир бирлигига ҳисобланганда), капитал қўйилмалар ва ишлаб чиқариш харажатлари қопланиши даражаси киради. Хусусий кўрсаткичларга қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлиги, 100 га қишлоқ хўжалиги ерларига ҳисобланганда етиштирилган маҳсулот ҳажми, етиштирилган маҳсулотнинг ўртача йиллик ишчилар сонига нисбатан ҳисоблангани киради.

Хўжалик иқтисодий самарадорлиги корхона ишлаб чиқаришининг хўжалик фаолиятининг натижавийлигини ифодалайди. У натурал ва қиймат кўрсаткичлар билан характерланади.

- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоси иккита ўзаро боғлиқ бўлган вазифалар гуруҳини ечишни ўз ичига олади: бир томондан, ишлаб чиқаришнинг натижавий кўрсаткичлари ўсиши (натурал ва ялпи маҳсулот), бошқа томондан - ер, меҳнат ва моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва улар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш. Маҳсулот ҳажми ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган ресурслар миқдори ва уларнинг ишлаб чиқариш даражаси катталиги ҳисобланади. Чорвачиликда ишлаб чиқариш омили қорамол боши сони, маҳсулдорлик даражаси бўлса, деҳқончиликда - экин экилган ер майдони ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ вазифаларни ечиш, яъни ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бир қанча тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ: биринчидан, фермерларда бино ва иншоотларнинг, деҳқончиликда эса МТП хизматларидан иложи борида тўла фойдаланиш; иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш орқали меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишидаги меҳнат ҳажмини камайтиради, бундан ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари таркибидаги меҳнат ҳақи харажатлари камайишига олиб келади; учинчидан, қорамолларга емни, эҳтиёт қисмларни ва таъмирлаш материалларини, ёқилғи ва электроэнергияни ва бошқа айланма

воситаларни илмий асосланган нормативлаштириш, моддий стимуллаштириш, моддий ресурсларнинг бошқа турдаги йўқотилишларини бартараф этиш орқали иқтисод қилиш; тўртинчидан, транспортдан, меҳнат ва бошқа хизматлардан рационал фойдаланиш орқали жами умумхўжалик харажатларни камайтириш.

Юқорида айтиб ўтилганларнинг барчасини амалга оширишнинг муҳим шарти мулкчилик ва хўжалик юритиш шакли, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожланиш даражаси ҳисобланади. Айтиб ўтилганлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш тадбирларини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

техник ва биологик - ишлаб чиқариш воситаларини мукамаллаштириш, анча кўпроқ маҳсулот етиштира оладиган машина ва қурилмалар; технологик - ресурсларни тежовчи технологиялар; ташкилий-иқтисодий - ихтисослашиш, концентрация ва хўжаликлараро кооперция, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни стимуллаштириш, иқтисодий ишларни мукамаллаштириш; ижтимоий - яшаш шароитини, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим беришни яхшилаш. Ишлаб чиқариш натижаларини қилинган харажатлар билан солиштириш учун қуйидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилади:

халқ хўжалиги самарадорлиги;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги;

хўжаликлардаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги (фермер хўжаликлар, деҳқон хўжаликлар);

алоҳида тармоқлар самарадорлиги (чорвачилик, деҳқончилик);

алоҳида экин турлари ёки маҳсулот етиштириш самарадорлиги (дон, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут ва б.);

тадбирлар самарадорлиги (мелиорация, химиялаштириш, илмий-техник жараён).

Самарадорликнинг барча бу турлари ўзаро бир бири билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги бўйича охириги иқтисодий самара барча ресурслардан

рационал фойдаланиш, иқтисод ва сақлаш учун тизимли курашиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқдир.

Фойдаланиладиган ерларнинг иқтисодий самарадорлиги деганда хўжаликка киритиш даражасини тушиниш керак. У бир бирлик майдондан олинган маҳсулот миқдори ва унинг таннархи билан характерланади. Барча ердан фойдаланувчилар олдида ҳар бир гектар ердан минимум ҳаражат қилиб максимум маҳсулот олиш вазифаси туради. Бироқ хўжалик юритишнинг бир хилдаги даражаси турли хил сифатдаги ерларда олиниши мумкин, шунинг учун қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг иқтисодий самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида алоҳида зоналар, районлар ва бошқа бирликлар остида унинг иқтисодий баҳоси маълумотларини тушуниш керак.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими билан аниқланар экан, улар қаторида қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари ҳосилдорлиги ва унинг бир бирлиги таннаридан фойдаланиш мумкин. Бироқ фақат келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун қиймат кўрсаткичлари қўлланилади; ердан фойдаланишдан олинган ялпи маҳсулоти, ялпи даромад, соф даромад ёки 1 гектарга тўғри келган даромад, шунингдек ишлаб чиқариш ҳаражатлар бир бирлигига ялпи маҳсулот чиқиши. Хаттоки келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда ҳам ердан самарали фойдаланиш ҳақида якуний хулосалар қилиш аниқ бўлмасди.

Ер турларидан фойдаланишни объектив нисбий баҳолаш учун деҳқончилик олиб бориш натижаларига - ер сифатига таъсир қилувчи юзлаб муҳим факторларни ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги унинг иқтисодий баҳоланиши ҳисоби билан аниқланади.

Деҳқончиликни интенсив олиб боришнинг замонавий босқичида ердан фойдаланишнинг янги ўзига хос муаммолари юзага келади. Улар қаторида

энг эътиборга лойиги тупроқ таркибида унинг махсулдорлиги асоси бўлган гумус миқдорининг камайиши бўлди. Дехқончиликнинг жахон тажрибалари шуни кўрсатадики, ердан фойдаланишни турли тизимларини баҳолашнинг кўрсаткичларидан бири тупроқ таркибида гумус миқдорининг мавжудлик даражасидир. Таркибида гумус миқдори кўп бўлган тупроқ анча яхши жисмоний ва бошқа хусусиятларга эга бўлади. Улар зарарли химикатлар салбий таъсирига кам чалинади, уларда минерал ўғитлар самарали фойдаланилади. Шунга кўра тупроқдаги гумус миқдори ердан рационал фойдаланишнинг, тупроқ махсулдорлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ердан фойдаланиш даражаларини таққослашда қўшимча бошқа кўрсаткичлар сифатида қишлоқ хўжалик ер турларининг умумий ер майдонида, қишлоқ хўжалиги ерлари таркибидаги ҳайдаладиган ерлар улуши, ҳайдалган ерлар да экин экилган майдонларнинг улуши аниқланади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг, ҳайдаладиган ерларнинг, экин экилган ерларнинг улуши ошиши ердан фойдаланишда муҳим ўрин эгаллайди.

Барча кўрсаткичларни уч асосий гуруҳга ажратилади:

I. Хўжалик ҳудудидан фойдаланишни характерловчи кўрсаткичлар:

1) Ер турларининг таркиби - умумий ер майдонига нисбатан ҳар бир тур ер майдонининг улуши;

2) Қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби - умумий қишлоқ хўжалиги ер майдонига нисбатан ҳисобланган ҳайдаладиган ерлар улушининг фоизда келтирилиши;

3) Экин экилган майдонлар таркиби - экин экилган майдонларнинг умумий майдонига нисбатан ҳар бир турдаги экин майдонининг фоизларда ифодаланиши;

II. Ердан фойдаланиш даражаси кўрсаткичлари:

1) 100 га ҳайдалган ерга буғдой етиштириш - буғдойнинг ялпи ҳосили ва майдон нисбатининг 100га кўпайтмаси;

2) 100 га ҳайдаладиган ерга нисбатан картошка етиштириш;

3) 100 га қишлоқ хўжалик ерига нисбатан сут етиштирилиши - ялпи етиштирилган сут миқдорининг қишлоқ хўжалиги ер майдонига нисбатини 100 га кўпайтирилгани;

4) 100 га дон экилган ер майдонига нисбатан тухум етиштирилиши - ялпи етиштирилган тухум миқдорини дон экилган ер майдонига нисбатининг 100 га кўпайтмаси;

III. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари:

1) Харажатларнинг қопланиши; $C_T = \frac{ЯМ \text{ жорий}}{Ич_x}$,

Бу ерда, ЯМжорий - жорий баҳолардаги ялпи маҳсулот; Ич_x - ишлаб чиқариш харажатлари. 2) майдон бир бирлигига хисобланган ялпи маҳсулот улуши;

$$\frac{ЯМ \text{ жорий} * 100}{СК/х} , \text{ бу ерда}$$

СК/х- қишлоқ хўжалиги экинлари майдони. 3) Майдон бир бирлигига хисобланган ялпи даромад улуши; $Яд * 100$. СК/х
4) Май дон бир бирлига хисобланган фойда улуши;

$$\Phi = \frac{ЯТ - Хич}{СК/х} * 100.$$

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсади жамиятнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини кам харажат қилиб тўла қондириш бўлгани учун самарадорлик критериялари мақадга эришиш даражаси бўлиши мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва унинг эркин савдосини таъминлаш, ассортиментини ва сифатини яхшилаш ўзлари уларни қилинган харажатлар билан солиштирмасдан туриб ишлаб чиқариш самарадорлигини характерлай олмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирилиши самарадорлиги курсаткичи бир томондан маҳсулот етиштириш хажмини, иккинчи томондан, харажатлардан фойдаланишни ифодалаши керак. Бу талабларга ялпи маҳсулот буйича ишлаб чиқариш потенциалидан

фойдаланиш курсаткичи жавоб беради ва у куйидаги формула билан аниқланади:

$$Кип = \frac{ЯМ}{ИП}$$

Бу ерда, Кип - тармок ёки корхона ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш коэффиценти,

ЯМ - ялпи маҳсулот хажмининг пулдаги ифодаси,

ИП - ишлаб чиқариш потенциалининг пулдаги ифодаси.

Бу курсаткичга иқтисодий маъносига кура ишлаб чиқариш харажатларининг копланиши кўрсаткичи яқиндир, у куйидагича аниқланади:

$$Ких = \frac{ЯМ}{ИХ}$$

Бу ерда, Ких - ишлаб чиқариш харажатларининг копланиши коэффиценти;

ЯМ - ялпи маҳсулот хажмининг пулдаги ифодаси;

ИХ - ишлаб чиқариш харажатлари.

Бирок бу курсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигини тулалигича ифода эта олмайди.

Ресурслардан фойдаланишнинг ва натижаларнинг турличалигига кура қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жуда мураккаб ҳисобланади, шунинг учун унинг самарадорлиги натура ва қиймат курсаткичлари тизими билан ифодаланиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши натижаси ва харажатлари узининг дастлабки қуринишида натура шаклида булади: натижа бу - дон, пахта, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар тоннада, харажатлар эса - уруғ, ем-хашак, угит, ёкилги тоннада, меҳнат эса киши-соатларда. Натижа ва харажатларни натура шаклида солиштириш ишлаб чиқариш самарадорлигининг алоҳида томонларини, аниқроғи, айрим ресурслардан фойдаланишни характерлай олади.

Ҳозирги замонавий қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришида бир ишлаб чиқариш жараёнида бир қанча тур маҳсулот олиш мумкин (дон ва сомон, сабзавот ва ем-хашак). Шунинг учун уларни тугридан тугри натура

куринишида солиштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини тулигича ёритиб бермайди. Бунинг учун натижа ва харажатларни бир хил birlikда, яъни пул birlikларида ифодалаш зарур. Маҳсулот сотиш баҳоси билан баҳоланади, харажатлар эса маҳсулот таннари билан ифодаланади. Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш натижаси натура кринишидан ташкари ялпи маҳсулот курсаткичи билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Бирок қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари киймати ва қайта олинган киймат - ялпи даромад, яъни барча ялпи маҳсулот киймати ва моддий ишлаб чиқариш харажатлари орасидаги фарқни ўз ичига олади. Ялпи даромад - муҳим иқтисодий курсаткич бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги даражасини характерлайди. Ялпи даромад шахсий истеъмол фонди ва соф даромадларга булинади. Меҳнат ҳақини тулаш ишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилар экан, у ҳолда соф даромад ялпи маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар орасидаги фарқ билан ифодаланади.

Соф даромаднинг харажатдан ортган қисми фойда бўлиб, у тушган тушум билан сотилган маҳсулотнинг тулик таннари орасидаги фарқ сифатида ифодаланади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг натижаси қуйидаги категориялар билан ифодаланади: натурал маҳсулот (НМ), ялпи маҳсулот (ЯМ), ялпи даромад (ЯД) ва соф даромад ёки фойда (СДФ).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер ресурслари ҳисоб объекти сифатида қишлоқ хўжалиги ерлари майдони (SKX), ЭКИН экилган ер майдони (S3) олинади.

Ер, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари (Хич) ўз ичига ер солиғи ёки ижара ҳақи (ЕС), асосий воситалар амортизацияси (А), моддий айланма воситалар киймати (МХ), иш ҳақи бўлган харажатлар (Хих) ва бошқа харажатлар (Хб).

У ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари куйидаги формула билан

хисобланади:

$$X_{ич} = EC + A + MX + X_{их} + X_6$$

100 гектар ҳайдаладиган ер майдонидан ер хисобидан олинадиган ялпи маҳсулот, ялпи пул даромади, соф даромад (фойда), харажатларнинг копланиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хўжалик фаолиятини умуман характерлаб берадиган якунловчи курсаткичидир. Ер ресурсларидан фойдаланиш даражаси куйидаги курсаткичлар билан хисобланади:

Ер ресурслари	Натурал маҳсулот,	Ялпи маҳсулот,	Ялпи даромад,	Соф даромад, фойда ЯД;Ф
Қишлоқ хўжалиги	НМ Skx	ЯМ Skx	яд Skx	ЯД; Ф Skx Skx
Ҳайдаладиган ерлар - Sx	НМ Sx	ЯМ Sx	яд Sx	яд; Ф Sx Sx
Экин экилган ер майдони - S3	НМ S3	ЯМ S3	яд S3	ЯД; Ф S3 S3

3. САМАРКАНД ВИЛОЯТИ УРГУТ ТУМАНИ ХАЙДАР ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАҲЛИЛИ

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш учун ер ажратиш ва ундан фойдаланиш, давлат мулкчилигини жамоа мулкчилигига айлантириш, хўжалик юритишнинг шакллари ривожлантириш, деҳқон(фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона, асраб-авайлаб, самарали фойдаланишни таъминловчи, ерга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартиблаштирувчи, ер қонунчилигини замон талаблари даражасида йўлга қўювчи, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида ўта муҳим норматив ҳужжатлар бўлиб хизмат қилмоқда.

2011 йил 1 январь ҳолатига экин ерлар республика бўйича жами 4071,1 минг гектарни шу жумладан, суғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони 3313,1 минг гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг 13,1 фоизини ҳамда лалми экин ерларнинг умумий ер майдони 758,0 минг гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг 3,0 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони

(минг га. ҳисобида)

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий майдон		Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Томорка ерлари		Ўрмонзорлар		Боғдорчилик ва сабзавотчи- лик уюшма- ларининг ерлари		Бутazorлар	Бошқа ерлар
		Жами	шундан суғориладигани	жами	шундан суғориладигани	жами	шундан суғориладигани	Жами	шундан суғориладигани	Жами	шундан суғориладигани	жами	шундан суғориладигани	Жами	шундан суғориладигани	жами	шундан суғориладигани	жами	шундан суғориладигани		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16174,0	515,3	423,6	423,6	8,8	8,8	10,2	10,2	4780,9	36,6	5223,5	479,2	47,4	35,1	989,5	0,9	0,1	0,1	68,2	9845,3
2	Андижон	430,3	273,5	203,8	203,8	28,9	28,9	2,9	0,6	21,3	0,9	256,9	234,2	47,5	35,1	3,9	3,9	0,3	0,3		121,7
3	Бухоро	4193,7	275,1	200,6	200,6	20,3	20,3	6,9	6,9	2579,6		2807,4	227,8	58,3	45,3	298,9	1,8	0,3	0,2	45,4	983,4
4	Жиззах	2117,9	301,2	486,1	264,5	14,1	13,1	8,1	0,7	758,0		1266,3	278,3	31,7	18,1	164,1	4,8	0,1			655,7
5	Қашқадарё	2856,8	515,7	682,7	424,1	34,6	32,4	22,2	4,8	1455,8	0,1	2195,3	461,4	79,0	48,5	115,7	5,5	0,3	0,3		466,5
6	Навоий	10937,5	123,4	111,1	91,0	10,4	10,3	6,9	6,7	8763,6		8892,0	108,0	19,4	13,4	1246,2	1,7	0,6	0,3		779,3
7	Наманган	718,1	282,5	198,2	198,2	37,2	37,2	2,3	2,3	152,6		390,3	237,7	48,7	39,9	24,5	4,8	0,1	0,1		254,5
8	Самарқанд	1677,3	379,2	435,9	253,9	60,0	56,4	5,5		793,8		1295,2	310,3	86,1	62,5	13,1	6,0	0,7	0,4		282,2
9	Сурхондарё	2009,9	325,8	281,6	241,7	32,4	31,1	0,3		861,2		1175,5	272,8	62,2	50,1	200,2	2,9			0,1	571,9
10	Сирдарё	427,6	286,9	251,4	251,4	6,5	6,5	10,5	10,5	22,0		290,4	268,4	19,1	15,1	3,2	3,3	0,1	0,1		114,8
11	Тошкент	1525,5	396,8	340,8	305,1	38,5	31,9	0,9	0,4	433,7	1,4	813,9	338,8	62,3	51,4	81,5	2,8	3,8	3,8	1,2	562,8
12	Фарғона	700,5	366,2	249,3	249,3	45,6	45,6			23,5	4,0	318,4	298,9	71,3	52,9	14,7	13,5	0,9	0,9		295,2
13	Хоразм	608,2	266,2	205,4	205,4	13,6	13,6	3,8	3,8	110,1		332,9	222,8	51,0	43,0	57,6	0,3	0,1	0,1		166,6
14	Тошкент ш.	33,0	5,3	0,5	0,5							0,5	0,5	7,1	4,2	0,6	0,6				24,8
	Жами:	44410,3	4313,1	4071,0	3313,1	350,9	336,1	80,5	46,9	20756,1	43,0	25258,5	3739,1	691,1	514,6	3213,7	52,8	7,4	6,6	114,9	15124,7

2011 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг** гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар **44410,3 минг** гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4313,1 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,7 фоизини** ташкил қилади.

**Самарқанд вилояти Ҳайдар фермер хўжалигида қишлоқ
хўжалиги экин майдонлари динамикаси**

2 - жадвал

Экин турлари	Ўлчов бирлиги	йиллар			2011 йил 2009 йилга нисбатан, %
		2009	2010	2011	
Умумий ер майдони	гектар	19,4	46,4	106,2	5,46 марта кўпайган
Шу жумладан:					
Ғалла	гектар	9,7	23	52	5,87 марта кўпайган
Шу жумладан: буғдой	гектар	7,2	17	39	5,41 марта кўпайган
Арпа	гектар	2,5	6,6	13	4 марта кўпайган
Тамаки	гектар	8,7	22	52	5,9 марта кўпайган
Шу жумладан					
Дюбек нави	гектар	2,5	6	13	7,33 марта кўпайган
Измир нави	гектар	6,2	16	39	6,3 марта кўпайган
Тутзор ерлар	гектар	1	1,4	2,2	2 марта кўпайган

“Ҳайдар” фермер хўжалигида тамаки етиштириш ва унинг самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Умумий тамаки майдони	га	8,7	22	52
2	Ҳосилдорлик	ц/га	12,7	11,6	12,5
3	Ялпи пахта ҳосили	тонна	11,05	25,5	65
4	1 га ерга қилинган сарф харажатлар	минг сўм	1731,7	3191	3274,6
5	1 га ерга олинган ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	2076,9	3366,4	3890,7
6	1 га ердан олинган Фойда	минг сўм	345,2	175,4	616,1
7	Рентабеллик	%	19,9	21,2	18,8

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ, 1990-2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробар, узум 1,3 баробардан зиёд, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2 баробардан ва тухум 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

4 -жадвал

“Ҳайдар” фермер хўжалигида ғалла етиштириш ва унинг самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Умумий ғалла майдони	га	9,7	23	52
2	Ҳосилдорлик	ц/га	36	35,9	47,4
3	Ялпи ғалла ҳосили	тонна	34,9	82,6	270,1
4	Жами сарф харажатлар	минг сўм	4224,1	11518,2	36792,7
5	Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	6034,4	16454,7	52587,1
6	Ғаллачиликдан олинган Фойда	сўм	1810,3	4936,5	15794,4
7	Бир гектар ғалла майдон ҳисобидан олинган ялпи аҳсулот қиймати	сўм	622,1	715,4	922,6
	Фойда	сўм	186,6	214,6	277,1

Расмдан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 фоизга, сабзавот ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 фоизга ошган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

**Республика, Самарқанд вилояти, Ургут тумани ва “Хайдар” фермер
хўжаликларининг тамаки ва ғалла ҳосилдорлиги бўйича
ўртача кўрсаткичлари нисбати
(2011 йил)**

Кўрсаткичлар	Республикада ц/га	Самарқанд вилоятида		Ургут туманида			“Хайдар” фермер хўжалигида			
		ц/га	Республикага нисбатан, % да	ц/га	Республикага нисбатан % да	Вилоятга нисбатан % да	ц/га	Республикага нисбатан % да	Вилоятга нисбатан % да	Туманга нисбатан% да
Тамаки	25,8	26,6	103,1	23,8	92,2	89,5	26	100,8	97,7	109,2
Ғалла	45,5	53,6	117,8	56	123,1	104,5	31,5	69,2	58,8	56,3

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли республикамызда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб борди. Жумладан, 2011 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кг.дан 38 килограмм ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 килограммдан 239 килограммга ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 донага ёки 142,3 фоизга ошган.

Республикамыз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- мулкый ва таркибий ислоҳотлар;
- ердан фойдаланиш борасидаги ислоҳотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислоҳотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислоҳотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулк-таркибий ислохотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари жорий этишга муҳим эътибор қаратилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар натижасида 1999-2007 йилларда жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида 158738 та фермер хўжалиги ташкил этилган эди.

**Самарқанд вилояти Ургут туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.**

7 - жадвал

Экин турлари	2009 йил			2010 йил			2011 йил		
	Экин майдони, га	Хосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот ҳажми, тонна	Экин майдони, га	Хосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот ҳажми, тонна	Экин майдони, га	Хосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот ҳажми, тонна
Ғалла	8100	36,0	29120	8100	35,9	29119	8100	47,4	31760
Мева	349	96,0	3350	260	80,0	2080	260	81,0	2106
Узум	3216	91,0	36635	4216	88,7	37202	4908	70,7	34356
Картошка	265	203,5	5394	265	182,6	4840	450	258	11610
Сабзавот	490,6	224,4	11007	490,6	220	10780	979	170,9	16729
- пиёз	290	291,8	8462	175	257,0	4500	210	217,1	4560
-помидор	350	299,6	10485	175	257,0	4500	175	280	4900
Озуқа экинлари	1316	123,4	162394	802	158	12672	1465	135	19777

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;

- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;

- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2011 йил якунига кўра, республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 66134 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлмоқда

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Самарқанд вилояти Ургут туманида ердан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

8 - жадвал

№	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2009 йилга нисбатан, %
1	Фермер хўжаликлари сони	Дона	2471	1364	825	3,3 марта камайган
2	Фойдаланаётган ер майдони	гектар	19770	19770	19770	100,0
	Шундан суғориладиган ерлар	гектар	16487	16487	16487	100,0
3	Маҳсулотларни сотишдан тушган даромад	Минг сўм	71430,5	86110,2	120529	1,68 марта кўпайган
4	Жами қилинган харажат	Минг сўм	58465,3	71713,3	100777,8	1,72 марта кўпайган
5	Фойда	Минг сўм	10967,2	14396,9	19751,2	1,8 марта кўпайган
6	Рентабеллик даражаси	Фоиз, %	18,1	20,1	19,6	

**Самарқанд вилояти Ургут тумани Хайдар фермер хўжалигида ердан
фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.**

9 - жадвал

№	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2009 йилга нисбатан, %
2	Фойдаланаётган ер майдони	гектар	19,4	46,6	106,1	5, 46 марта кўпайган
	Шундан суғориладиган ерлар	гектар	16,2	39,0	92,0	5,67 марта кўпайган
3	Маҳсулотларни сотишдан тушган даромад	Минг сўм	70093,66	84498,63	118273,3	168,7
4	Жами қилинган харажат	Минг сўм	57371,11	70371,17	98891,72	172,3
5	Фойда	Минг сўм	10761,95	14127,46	19381,55	180,1
6	Рентабеллик даражаси	Фоиз, %	17,8	19,7	19,2	

4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан мухтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади.

Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробари, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикаимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш реконструкция қилиш белгиланган.

Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига киради.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрда таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга бўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг

натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистраль ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

10-жадвал

Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, миллиард сўмда

Тадбирлар номи	Жами 2008-2011 йилларда	шу жумладан:			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 178,6 миллиард сўмга етди. Ўтган 2008-2011 йилларда жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 миллиард сўмни ташкил этди.

2010 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қиймати 561 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 2010 йилда қиймати 62,25 миллион АҚШ доллари бўлган 9 та, 2011 йилда эса қиймати 112,9 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган 11 та инвестицион лойиҳа асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2011 йиллар давомида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2 109 минг гектардан 2 192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 126 минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 2001-2011 йиллар давомида 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти ката. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан

ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида 1571 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 753 гектарга кўчма ва эгилувчан кувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурсларни тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

5. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш,

маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- ❖ чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- ❖ наслчиликни тубдан яхшилаш;
- ❖ тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- ❖ паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- ❖ чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;
- ❖ озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- ❖ қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;
- ❖ ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ❖ ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

- ❖ давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

- ❖ пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизминини такомиллаштириш;

- ❖ қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;

- ❖ қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

- ❖ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

- ❖ унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

10. Агротехника фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

❖ атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

❖ пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

❖ қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

❖ қишлоқ хўжалигида ген муҳандислиги борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

❖ экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

❖ хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, парранда ва пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Ердан унумли фойдаланишга таъсир этувчи омиллар ва тадбирларни талаб этадиган харажатларига каби 3 гуруҳларга бўлинади.

1). Қўшимча жорий харажатлар талаб этадиган тадбирлар (химиявий дориворлардан, минерал ўғитлардан фойдаланиб ҳайдов қатламини хар хил чуқурликда ҳайдаш);

2). Капитал маблағ сарфини талаб қиладиган тадбирлар (ер шўрини ювиш, ботқоқликни қуриштириш ва ҳаказо).

ҲУҚУҚИЙ ҚИСМ

Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалри қўлланилади.

3-модда. Фермер хўжалиги

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

4-модда. Фермер хўжалигининг бошлиғи

Фермер хўжалигининг бошлиғи сув хўжалигининг муассиси – фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

II. Фермер хўжалигини ташкил этиш

5-модда. Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари

Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

Чорвачилик махсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган

ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкаларини берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр соҳасидан кам бўлмаслигини таъминлаш ва мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

6-модда. Фермер хўжалиги ташкил этиш тартиби

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлича алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

7-модда. Фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасидан ҳисоб-китоб варақаси ва бошқа ҳил ҳисоб варақалар очишига, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.

8-модда. Фермер хўжалигининг устави

Фермер хўжалик асосида фаолият кўрсатади. Фермер хўжалигининг намунавий устави Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9-модда. Фермер хўжалиги уставининг мазмуни

Фермер хўжалигининг хўжалигининг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Фермер хўжалигининг номи;

Фермер хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

Фермер хўжалигининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;

Фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;

Устав фондининг миқдори.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

III. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш

Ердан ва сувдан фойдаланиш

10-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун бериладиган ер участкалари

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари:

Заҳира ерлардан; юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан; қайта ташкил этилаётган ва кузатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан; қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалигининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалигининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фоди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон республикасининг давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон республикасининг давлат чегараси бўйлаб 500 метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллари, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғлари ҳамда виварийларнинг ҳайвонларини ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиш билан боғлиқ бўлган чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади.

11-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби

Фермер хўжаликлари юритиш учун участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Заҳира ерларидан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари бериш (реализация қилиш) муассасаларни кўриб чиқувчи туман комиссияси ўтказгант танлов яқунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалигининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус ташкил этилган комиссия ўтказган танлов яқунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

12-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) тартибидан чиқиш ва фермер хўжалини мустақил юритиш истагини

билдирган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулкый пай қийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) улуш олишга ҳақли, улушнинг миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнатдаги иштироки инобатга олинган ҳолда аниқланади. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини қишлоқ хўжалигига кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан ушбу қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда ижрага олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасининг ижрага берилиши қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

13-модда. Ердан фойдаланиш

Фермер хўжалигининг ер участкасида эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш боорасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди – сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги файта ташкил этган тақдирда, агар ер участкасининг бўлиниши натижасида янги ташкил топган ер участкаларининг ўлчами ушбу қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўлиниши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

14-модда. Ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йили ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ерларнинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда бериладиган ягона ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан 2 йил мобойнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади. Фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштирилаётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлганидан кейин 5 йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

15-модда. Сувдан фойдаланиш

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлари томонидан белгиланади.

IV. Фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ҳамда мол-мулки

16-модда. Фермер хўжалигининг ҳуқуқлари

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Берилган ер участкасида ўз уставида назорат тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

Ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш; харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш; етиштирилган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз ҳоҳишига кўра тассаруф этиш; етиштираётган маҳсулоти, бажарилаётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш; электр энергияси ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш.

17-модда. Фермер хўжаликларининг мажбуриятлари

Фермер хўжалиги:

Ер участкасидан қонун хўжжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш: экологик талабларга ва атроф-муҳитни муҳофиза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш: ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш тадбир чораларини кўриши, бизнес-режада шу мақсад учун маблағлар ажратилишини назорат тутиши: агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкаси берилган вақтдан эътиборан 1 йил ичи да ундан фойдаланишни киришиши; тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларида етказиб берилишини таъминлашиши.

18-модда. Фермер хўжаликларининг устав фонди

Фермер хўжалигининг устав фонди фермер хўжалиги бошлиғи томонидан белгиланади.

Пул, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулк хўжалигининг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин.

Агар фермер хўжалигининг устав фонди шакллантириладиганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улуши ёки биргаликдаги) мулк \исобланган мол-мулкни фермер хўжалигига тошираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ва камайитириш фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартиришлар киритиш йўли амалга оширилади.

19-модда. Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи

Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Биолар, иншоатлар, қишлоқ экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлари, чорва моллар, паррандаларга, етиштирилган маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентар, асбоб-ускуналар, транспорт –воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қарашлидир.

Фермер хўжалиги бошлиғининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган моддалар (фойда) қимматли қоғозлардан келган даромадлар қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

20-модда. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш учун банк муассасида ҳисоб варақалар очиш ва бу маблағларни эркин тассаруф этиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб варағидан маблағларини фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ёки суднинг қарори биноан ҳисобдан чиқариши мумкин.

21-модда. Фермер хўжалигининг мол-мулкни мерос қилиб қолдириш

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

V. Фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этилиши

22-модда. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувига мувофиқ фаолиятни йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил

равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш в реализация қилиш билан шуғулланишига ҳақли.

Фермер хўжалиги ўз етиштираётган маҳсулот сифатига оид нормативлар ва стандартларга, экологияга, санитарияга тааллуқли ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар қоидаларга риоя этиши шарт. Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг ғайри қонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг ғайри қонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фермер хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан, бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги иқтисодий фаолиятини белгиланган тартибда оширади.

23-модда. Фермер хўжалигидаги меҳнат.

Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартиби хўжалик бошлиғи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Фермер хўжалигининг ходимларининг меҳнат фаолиятини ҳисобини олиб бориш хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади.

Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарафларининг келишувига кўра, пул ҳамда натура тарзда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ва ходимлари давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилади. Уларга давлат ижтимоий суғуцртаси бўйича

нафакалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

24-модда. Маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотнинг экспортга етказиб берилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25-модда. Фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти

Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши маҳсулот етиштириш харид қилиш уни қайта ишлаш ва сотиш моддий-техника таъминоти қурилиш техникавий сув хўжалиги ветеринария агрокимё маслаҳат бериш йусинидаги ва бошқа хил хизматлар курсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш мумкин.

26-модда Фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун узоқ муддатли кредитлаш ҳамда унинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа муддатли кредитлаш кредит шарномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалиги имтимёзли кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорларининг, кўп йиллик дов-дарахтларнинг , етиштиришга мааҳсулотининг , хом ашёсининг , ьатериалларининг йўқотилиши (нобуд булиши) , кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини , тадбиркорлик хавфини , шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик

асосида суғирта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида суғурта товони (суғурта суммаси) олади.

27-модда. Фермер хўжалигига солиқ солиш

Қонун ҳужжатларига мувофиқ фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар , йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди.

Фермер хўжаликларнинг фойдаси солиқлар йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин фермер хўжалиги бошлиғининг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солмайди.

28-модда. Фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш.

Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларининг ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгилаган ҳисобот тақдим қилади .

VI. Яқунловчи қоидалар

29-модда. Фермер хўжаликларини давлат йули билан ва бошқа тарзда кўллаб-қуватлаш

Давлат фермер хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилишини кафолатлайди .

Давлат органлари фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимят органлари, шаҳарча , қишлоқ, ва овул фуқоралари ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда: ишлаб чиқариш ва иштимой-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида маскур ҳудудни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуришни , сув билан таъминлашни, газлаштириш телефонлаштириш, радиолаштиришни, ер тузишни, ерларни мелиорациялаштиришни) амалга оширадилар :

Ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатадилар: қишлоқ хўжалик экинларининг навли

уруғлик ҳамда кўчатлари, органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалардан, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш юзасидан давлат агротеника хизмати кўрсатиш тизими орқали хизматлар, шунингдек техникавий кўсатадилар; қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва инвентарларни лизинг асосида сотиб олишга кўмаклашадилар; зотдор чорва моллар ва паррандалар, шунингдек омехта ем сотиб олишда кўмаклашадилар; фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветеренария хизмат кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиб берадилар; фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар; ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган фермерларни рағбатлантирадилар; консалтинг, ахборот йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатадилар.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари фермер хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

30-модда. Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш чекланганлиги

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

31-модда. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартиш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32-модда. Фермер хўжалигини тугатиш асослари

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

Ер участкасини ижрага олиш ҳуқуқидан ихтиётий воз кечилганда; фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида; фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришини хоҳловчи меросхўр бўлмаса; давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда ер участкаси ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

33-модда. Фермер хўжалигини тугатиш тартиби

Фермер хўжалиги:

Фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига биноан; қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Фермер хўжалигининг тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34-модда. Низоларни ҳал этиш

Фермер хўжалигининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасида низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

35-модда. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизмат кўрсатганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол мулки

билан жавоб беради. Фермер хўжалигининг бошлиғи Фермер хўжалигининг мол мулки етарли бўлмаган тақдирда Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиялар жавобгар бўлади. Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган Фермер хўжалигига маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

36-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганликда айбдор шахслар белгилаган тартибда жавобгар бўладилар.

ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Фермер хўжаликларида ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги масалалари.

1. Ҳаёт – фаолияти ҳавфсизлигининг назарий қисми.

«Ҳаёт – фаолияти ҳавфсизлиги» - илмий фан бўлиб, ҳавф ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети - фаолият (меҳнат) нинг бир томонидир, ёки айнан ҳавфлар ва улардан ҳимояланишидир.

«Ҳаёт – фаолияти ҳавфсизлиги» фанининг мақсади ишлаб чиқаришда ва фавқулотда ҳолатларда ҳавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўргатишдан иборат.

Шунинг билан биргаликда Ҳаёт–фаолияти ҳавфсизлиги фани бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлган учта асосий вазифани ечади:

- Ҳавфларни таққослаш, яъни ҳавфларнинг сонли характеристикаси ва келиб чиқиш нуқталарини кўрсатган ҳолда уларнинг кийёфасини билиш;
- Фойда ва ҳаражатни таққослаш асосида ҳавфлардан ҳимояланиш;
- Мумкин бўлган салбий ҳавфларнинг (қолган ҳавф-хатар тушунчасидан келиб чиққан ҳолда) оқибатини бартараф қилиш;

Кишилик жамияти ривожланиш тарихининг энг дастлабки босқичлариданок фаолият шароитларига эътибор қаратилган, шу жумладан инсон соғлиғини сақлаш масалалари ҳам кўрилган.

Ҳаёт – фаолияти ҳавфсизлиги илмий фан сифатида ўзининг назарияси, усул ва услубларига эга ва бир вақтнинг ўзида Ҳаёт – фаолияти ҳавфсизлиги қуйидаги: инженерлик психологияси, иқтисод, одам физиологияси, меҳнат муҳофазаси, экология, эргономика ва бошқа фанларнинг ютуқларига суянади. Ҳаёт – фаолияти ҳавфсизлигининг услубий базаси таҳлилдир.

Фаолият хавфсизлиги қадим замонлардан то ҳозирги кунимизга қадар инсоният илмий ва амалий қизиқишларининг энг муҳим бир томонидир. Одамзот ҳар доим ўзининг хавфсизлигини таъминлашга интилган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бу масалалар махсус билимларни талаб этади. Бизнинг давримизда хавфсизлик муаммолари янада кескинлашди.

Хавф – ҳаёт-фаолияти хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса, жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.

Тахлилнинг мақсадига кўра хавфни характерловчи белгилар сони кўпайиши ёки камайиши мумкин. Ҳаёт – фаолияти хавфсизлигидаги хавфга берилган юқоридаги таъриф мавжуд бўлган стандарт тушунчаларни (хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари) ўзига тортувчи, ҳамда фаолиятининг ҳамма турларини ҳисобга олувчи жуда салмоқли тушунчадир.

Хавф энергияга эга бўлган кимёвий ёки биологик фаол ташкил қилувчиларни ўзида мужассамлаштирган ҳамма тизимларини, ҳамда инсон ҳаёт фаолияти шароитига жавоб бермайдиган тавсифларни ўзида сақлайди.

Хавфсизлик – бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларни келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдига қўйилган мақсаддир. Ҳаёт – фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир.

2. Меҳнат муҳофазаси

Фермер хўжаликлари ишчи ходимлари дала шароитида асосан пестицид ва гербицидлардан захарланадилар, бундай ҳолларда улардан меҳнат муҳофазаси қоидаларига тўлиқ риоя этиш талаб этилади.

Пестицидлар ва минерал ўғитлар билан ишлашда тиббий кўрсаткичларга тўғри келмаган, дастлабки ва даврий (1-йида бир марта)

тиббий кўриқдан ўтган шахсларга рухсат этилади. Пестицидлар билан ишлашга хомиладор ва эмизикли аёллар, 18 ёшга тўлмаган ва 55 ёшдан катта (эркаклар) ва 50 ёшдан ошмаган (аёллар), шунингдек механизатор аёлларни пестицидлар ва минерал ўғитларни пурқаш, чанглатиш, ташиш, ортиш ва тушуриш ишларига жалб қилиш мумкин эмас. Пестицидлар билан ишлайдиган, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар йили инструктаждан ўтиши ва ўқиши шарт. Наряд - рухсат расмийлаштирилгандан кейингина пестицидлар билан ишлашга рухсат этилади. Пестицидлар билан кунига 6 соат, симоб препаратлари ва фосфоорганик бирикмалар билан – соат (2соат қўшимча пестецидларга алоқаси бўлмаган ишларда ишлаб бериш шarti билан) ишлаш керак. Пестицид ва минерал ўғитлар билан бажариладиган барча ишлар механизациялаштирилган бўлиши шарт. Уларни бажаришда шахсий химояланиш воситаларидан фойдаланилади. Бир қатор ишлар противагазлар ва респираторларда бажарилади. Тери, қўл, оёқ, нафас олиш, эшитиш, кўриш органлари учун аниқ шахсий химояланиш воситалари турлари ҳар бир препаратга алоҳида пестицидларни ишлатиш хавфсизлик чоралари услубий қўлланмаларда келтирилган. Уларда шунингдек, ҳар хил моддалар билан ишлаганда ишлаш вақти кўрсатилган (6 ёки 4 соат).

Уруғликларни дорилашда қатнашувчи кишиларнинг иш куни 6 соатдан ошмаслиги керак. Уларга ҳар куни камида ярим литрдан сут бериб турилиши, иш тугагандан сўнг албатта, махсус душда яхшилаб совунлаб чўмилиши тавсия этилади. Коржома билан уйга қайтмаслик керак. Захарли химикатлар билан ишлайдиган кишиларнинг шахсий химоя воситалари: коржома, ниқоб, противагаз ва махсус этиклари ўзларига лойиқ бўлиши керак. Акс ҳолда тор кийим ҳаракатга ҳалақит қилади. Этик тор бўлса, қадоқ қилиши, оёқ панжаларини шилиниши мумкин. Натижада жароҳатланган ерига захарли кимёвий моддалар тушиб, уни захарлаши мумкин. Кийим кечак катта бўлса, ҳам ишлаш

хавфли бўлади, чунки кийимнинг енги ва ёқасидан захарли химикатларнинг чанги, зарраси тушади ва тери орқали киши организмга ўтиши мумкин. Шахсий химоя воситалари хамиша озода бўлиши керак. Кийим кечаклар иш вақтида коржома билан бир жойда сақланмаслиги лозим. Коржомани ўз вақтида зарарсизлантириб, ювиб туриши керак. Захарли кимёвий моддалар билан дориланган чигит, жумладан барча уруғлик донлар устидан нихоятда катъий назорат ўрнатиш лозим. Дориланган уруғлик солинган қоплар устига “захарланган” деб ёзиб қўйилиши шарт. Иложи бўлса, қайси кимёвий модда қўллангани ёзиб қўйилса яна ҳам яхши бўларди. Қоплар бус-бутун бўлиши керак, тешик ёки йиртик қопларда юк ташилганда тўкилиши сув хвзаларини ифлослантириши мумкин. Йўл четидаги ўтларга тўкилгудек бўлса, моллар, қушлар захарланиши мумкин. Экиш даврида чигитни, донни, уруғликларни далаларда асло қаровсиз қолдириб бўлмайди. Ортиб қолган уруғликларни дарров омборга қайтариш, тўкилганларни супириб олиш, махсус жойга куўмиш керак. Дориланган уруғни еганда хайвон организмга тушган захарли модда унинг органларига таркалиб, жигари ва бошқа органларида йиғила бошлайди. Бундай молнинг гўшти ҳам сути ҳам жуда захарли хисобланади.

Тезлиги катта бўлган машина – трактор агрегатларида ишлашга оид хавфсизлик техникаси қоидалари оддий трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарида ишлаш вақтидаги хавфсизлик техникаси қоидаларига ўхшаш. Аммо машина-трактор агрегатларини катта тезликда ишлаётганида бошқариш бир мунча кийин. Трактор, айникса, ғилдиракли трактор ва тиркама машиналар титрайди ва силкинади. Катта тезликда ишлаётган тракторчи кабинасига киради, агрегатни сурилиб ва ағдарилиб кетиш хавфи ортади. Агрегатни кўпи билан соатига 5 км тезликда буриш мумкин. Тезлиги катта бўлган агрегатни жойидан аста секин силжитиш керак. Чунки тезлиги тўсатдан ошириб

юборилса, машинани бошқара олмай қолиш мумкин. Бу эса ўз навбатида аварияга ёки бахтсиз ходисага сабаб бўлади. Тракторчи қияликларда тракторини ағдарилиб кетишининг олдини олиш учун жуда эҳтиёткорлик билан ишлаши керак. Тракторчи ишни бошлашдан олдин тракторини хавфсиз юргизиш усуллари юзасидан инструктаж олади. Бу инструктажда унга қаерларда, қандай узатмаларда ва қандай тезликда юриш кераклиги ҳамда қандай бурилишни бажариш мумкинлиги кўрсатилади. Катта тезликда ишлаганда юриш қисмидаги ва рул бошқармасидаги маҳкамлашлар пухталигини вақти вақти билан текшириб туриш лозим.

Қишлоқ хўжалигида, одатда, ўзгарувчан элетр токидан фойдаланилади. Кўпгина жихозлар 380В кучланиш билан ишлайди, ёритиш учун эса 220В ва 127В кучланишлардан фойдаланилади. Электр хавфсизлиги шартларига кўра, электр қурилмалар минг вольтгача ва ундан юқори кучланишга эга қурилмаларга эга бўлади.

Электр токи уришига кишиларнинг электр занжирига уланиб қолиши (тегиб кетиши) сабаб бўлади. Электр токига уланиб қолишининг икки хил шакли бор: иккита сим орасида уланиб қолиш ва сим билан ер орасида уланиб қолиш. Иккала ҳолатда ҳам жароҳатланиш даражаси кучланиш катталигига, пол ва пойабзал химояланишининг ҳолатига, ишлаб чиқариш хонасидаги муҳит шароитига симларга теккан пайтида кишининг ҳолатига боғлиқ.

Тана, қўллар орқали ток ўтиши энг хавфли ҳисобланади. Чунки ток ўтадиган йўлда юрак, ўпка, мия жойлашган. Одамнинг электр токидан жароҳатланишининг бошқа ҳолларига қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда хавфсизлик техника қоидаларини бузилиши;
2. Электр жихозларининг кучланиш остида ток ўтказмайдиган металл қисмларга тегиб кетиши;
3. Жароҳатланишни хавфсиз меҳнат усуллари билмаслик.

3. Ёнгин хавфсизлиги.

Фермер хўжаликлари бино иншоотларида ёнгинлар асосан куйидагилар холларда келиб чиқади. Иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жихозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнув двигателлардан чиқадиган учкунлар, электр қурилмалардаги қисқа туташувлар ёки уларни ерга уланиб қолиши, электр симларида нагрукани йўл кўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учкун чиқиши, буғ қозонларини портлаши); қишлоқ хўжалиги махсулотларининг ёки ёкилғининг ўз-ўзидан ёниб кетишига сабаб бўлади. Ёнгиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий (кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналари ёки ёнгиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш), техникавий тадбирларга куйидагилар: ёнгин ёки портлаш жихатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жихозлар ўрнатиш, носоз печлар, машиналар, электр жихозларидан, шунингдек, осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни тақиқлаб кўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнгиннинг тарқалишига йўл кўймаслик чораларини кўриш (объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш бинолар орасидаги ёнгинга қарши ораликларга риоя қилиш), ёнаётган биноларадан одамлар, хайвонлар ва қиммат баҳо хўжалик уюмларини муваффақиятли равишда кўчиришга имкон берадиган чораларни кўриш, (керакли миқдорда эшиклар, зарур кенгликда қаридор(йўлак) лар, қуриш, уларни тўсиб кўйишни ман этиш), ёнгинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни қуриш (ёнгинни ўчириш, нарвонлар, ёнгин қузатиш вишкалари, сув хавзалари ва биноларга келиш йўллари қуриш, ёнгин алоқаси ва сигнализацияни ўрнатиш).

4. Биринчи тиббий ёрдам.

Механизатор иссиқлик, кимёвий ёки электр манбаларидан бирор жойини куйдириб кўйса жароҳатланган жойни калий пермаганат эритмаси ёки ичимлик содасининг 2% ли эритмаси билан хўллаш лозим. 2- ва 3- даражали куйишларда терининг шу жойига калий пермаганат эритмаси сурилади, куруқ стерилланган боғлам кўйилади ва дархол шифохонага юборилади. Кимёвий куйишларда тананинг куйган қисми сув билан камида 20 минут ювиш керак. Шундан кейин соданинг 2% ли эритмаси ёки борат сирка кислоталарининг 1% ли эритмаси билан хўлланган нам боғлам кўйилади.

Пестицидлар билан захарланганда биринчи медицина ёрдами кўрсатишнинг умумий чора-тадбирлари куйидагилардан иборат. Агар пестицид нафас йўллари орқали ўтган бўлса, жабрланувчи пестицид сепилган даладан очик ҳавога олиб чиқиш керак. Агар пестицид териға тушган бўлса, у ҳолда терини сув оқими билан ювиш ёки артиб ташлаш лозим. Агар пестицит организмға ошқозон-ичак йўлидан ўтган бўлса, жабрланувчига бир неча стакан сув ёки калий пермаганатнинг оч пушти эритмаси ичирилади ва оғизға бармоқни тикиб қайт қилдирилади. Шундан кейин 2-3 қошиқ активланган кўмир билан ярим стакан сув, сўнгра сурги ичилади. Нафас олиш сусайганида новшадил спирти хидлатилади, нафас олиш тухтаганида сунъий нафас олдирилади.

Суяк синиши ёпик ва очик тибда бўлади. Ёпик синишда синган жойдаги тери ва юмшоқ тўқималар жароҳатланмайди, очик синишда эса жароҳатланган бўлади. Биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин ташкил белгиларига қараб ёки беморнинг ўзидан сўраб жароҳатланган жойни аниқлаш лозим. Синган жой аниқлангандан кейин. Аввал соғ оёқ-қўллардан, сўнгра жароҳатланганидан кийим-кечакни ечиш керак. Очик синишда кўп қон кетади, шу сабабли биринчи навбатда қонни тўхтатиш зарур. Жароҳат атрофидаги териға йод, спирт ёки атир суртилгандан кейин унга стерилланган боғлам кўйиб боғланади. Шундан сўнг синган жой

тахтакачланади. Тахтакачнинг узунлиги синган жойга яқин иккита бўғимга етадиган бўлиши керак.

Тахтакачни соғлом оёқ-қўл шаклига ўхшатиш, шундан кейин пахта билан ураш ва бинт билан боғлаб кўйиш керак. Пахта ва бинт бўлмаган тақдирда тахтакачни сочиқ, шарф ва бошка нарсалар билан боғлаб кўйиш ҳам мумкин. Тахтакач кўйилгандан кейин беморнинг устига кўрпа ёки пальто ёпиш, 1-2 пиёла иссик чой ичириш ва шифохонага жўнатиш керак.

Захарланиш инсон организмига узоқ вақт мобайнида захарли чанглар, суюқлик ва газларнинг таъсиридан келиб чиқади. Бунинг натижасида хид сезиш ва хис қилиш органларини кузгатади, шунингдек умумий холсизланиш пайдо булади. Захарланишни энг биринчи белгиларидан бош оғриши, кўнгил айланиши, бошда оғирлик ва кулоқда шовқин пайдо бўлиши, бош айланиши ва юрак уришининг тезлашишидир. Захарланган одамни захарланган муҳитда бўлишининг давом этиши уни янада холсизлантиради, уйқуга тортади, нафас олиши узук-узук бўлади, томир тортиши пайдо бўлади ва нафас олиш марказининг фалажланишидан ўлим юзага келади. Жабрланувчи захарланиш аломатлари пайдо бўлиши билан уни тоза хавога олиб чиқиш, совуқ компрессни бошига кўйиши ва навшадил спиртини хидлатиш лозим. Юзаки сусти нафас олишда ёки у тўхтаганда сунъий нафас олдирилади.

Захарланганда биринчи навбатда нафас олиш йўли, тери, ошқозон-ичак тракти орқали захарли моддаларнинг ўтиши тўхтатилади. У терига тушиши билан сувда ювиб ташланади. Агар захар ошқозон-ичак тракти орқали организмга ўтса, бир неча стакан илиқ сув ёки кучсиз калий пермаганат аралашмаси ичирилади, яъни кўнгил айнашини тўхтатиш учун. Ундан кейин ярим стакан сувни икки уч қошиқ активлаштирилган кўмир билан ичирилади ва ични бўшаштирадиган дорилар ичирилади. Агар захарнинг тури маълум бўлса, унинг кимёвий таркибига қараб кўшимча чора-тадбирлар кўрилади. Одатда, ошқозонга захарнинг таъсирини кесувчи моддадан юбориш шартдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамизда ўтган йиллар ичида қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш уларни самарали фаолият юритишлари учун уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари микрокредитлар бериш, маълум муддат солиқ тўлашдан озод қилиш ва солиқ тўлашни ихчамлаштириш, махсулотни тайёр товар холига келтириб экспорт қилиш ва импорт йўли билан моддий-техника воситаларини олишда имтиёзлар, улар учун лизинг фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини бузилишини олдини олишда хўжалик судларини мавқеини кўтариш, маҳаллий ва чет эл мутахассислари иштирокида фермерларни иқтисодий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ билимларини ошириш ва ҳаказолар фикримизнинг исботидир.

Ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи фермер хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки тадбиркорлик қишлоқ хўжалигида иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлашда, бандлик муаммоларини ҳал этишда, қишлоқда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва мулкдорлар синфини шакллантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Шу кечаю-кундузда республикамиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги масалалар ўз ечимини топиши лозим:

- фермер хўжаликлари учун хом-ашё ресурсларига бўлган талабни кондириш;
- тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билим даражасини ошириш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уларга ажратилаётган имтиёзли кредитларни кўпайтириш;
- кредитларга устама фоизлар тўланишида турли хил қийинчиликларни бартараф этиш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан солиқ юкини камайтириш;

- фермер хўжаликлари учун ҳисобот тизимини соддалаштириш;
- фермер хўжаликларига кредитлар ҳажмини кўпайтириш билан, уларни ажратиш шартларини енгиллаштириш;
- раҳбар тадбиркорлар билими ва малакасини доимий ошириш мақсадида давра столларини ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
- республика вақтни матбуотида тадбиркорлик тузилмалари ва фаолиятини ёритишнинг рақобат муҳитини шакллантириш;
- фермер хўжаликларини ташқи бозорларга чиқишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш.

Республикамиз тижорат банклари томонидан тадбиркор фермер хўжаликларига имтиёз ёки тижорат кредитлари ажратилишидан олдин жойлардаги палата ва суғурта компаниялари вакиллари билан биргаликда маслаҳат қилиб, улар берган хулоса бўйича кредит ажратишни йўлга қўйиш лозим. Умуман қишлоқ хўжалиги ва қолаверса фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиши биринчи навбатда тадбиркорлик фаолияти негизида молиявий барқарор бўлиши билан боғлиқ. Чунки молиявий барқарорлик биринчидан деҳқоннинг ижтимоий ҳаётини яхшиланишини таъминласа, иккинчидан, ерга ва асосий воситаларга маблағ йўналтиришини (инвестиция қилинишини) таъминлайди. Натижада, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сарф-харажатни камайтириш ва пировард натижада барқарор ривожланишни таъминлаш имконияти яратилади.

Фермер хўжаликларига таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш вазифалари МТП таркибидаги махсус техник хизмат кўрсатиш бўлими мутахассисларига юклатилган. Бўлим ихтиёрида кичик тракторлар ва механизация агрегатлари, кўчма устахоналар, зарур асбоб ускуналар бор. Фермер хўжаликларига кўрсатиладиган сервис хизматлар ва улар билан МТП ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Фермер хўжаликларига ёрдам беришнинг яна бир томони, уларга ўз махсулотларини такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратишдир. Чунки, уларни ишлаб чиқариш харажатларини кўплиги ва соф фойдани кам бўлганлиги натижасида уларнинг даромадларини камлиги туфайли такрор ишлаб чиқариш имкониятлари доимо мавжуд эмасдир. Бу муаммони махсулотни қайта ишлаб пировард, товар махсулоти холига келтириш билан хал қилинса, фермер хўжаликларида банд бўлган оила аъзоларини даромадини ва турмуш даражасини кўтариш мумкин.

Умуман хулоса қилиб фикрлайдиган бўлсак, фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши учун уларга хизмат кўрсатиш соҳасида техника ва ускуналарни лизинг асосида етказиб бериш ва таъмирлаш ишларини, агротехник тадбирларни бажариш бўйича хизмат кўрсатиш, минерал ўғитлар етказиб бериш, ўсимликларни химоя қилиш, ветеринария хизматлари, агробиотехника хизматлари, таъминот соҳасида эса ёқилғи мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, уруғлик ва зотли моллар етказиб бериш ва бошқа масалаларни амалий ечимини ижобий хал этиш зарурдир.

Юқорида келтирилган тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалигида, қолаверса фермер хўжаликларида сервис хизматларини ривожлантириш фаолиятини такомиллаштириш, бажариладиган ишлар сифатини яхшилаш, шунингдек махсулот етиштирувчи субъектлар фермер хўжаликларини самарали фаолият юритишига имконият яратади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги боскичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1995.-269 б.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлар ва тараккиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон,1997-326 б.
3. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекитон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари: Иқтисодиёт-2009й.
4. Ҳусанов Р.Х, Жўраев А.М. Аграр ислохот иқтисодиётни юксалтиришнинг асосий шарти. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. -№ 1-2. –Б. 8-10.
5. С.Н.Усманов, М.М. Мирсаатов, Ю.Т. Додобаев «Основы рыночной экономики», Фан, 1997г., стр. 254.
6. Б.Ю.Ходиев, З.С.Абдуллаев. Оценка стоимости земельных ресурсов,”Т.,IQTISOD-MOLIVA”, 2010,
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат ер кадастри кўмитасининг Ер ресурслари бўйича миллий ҳисоботлари.
8. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, -2004. –30 б.
9. А.Султонов ва бошқалар. Сув хўжалиги иқтисодиёти, ўқув қўлланма, 2010 йил.
- 10.“Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги, механизмларини такомиллаштириш, муруват ёрдам юкларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2005 йилдаги № 251 сонли қарори
11. Самарқанд вилояти Ургут тумани Хайдар фермер хўжалиги йиллик ҳисоботлари.